

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/10.12.2019.I.16.01. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ТУРСУНОВ БОБИР ОРТИКМИРЗАЕВИЧ**

**КОРХОНАЛАР МОЛИЯВИЙ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ  
МЕТОДОЛОГИЯСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**08.00.07 - Молия, пул муомаласи ва кредит**

**Иқтисодиёт фанлари доктори (DSc) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2021**

**Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление авторефера та докторской (DSc) диссертации**

**Contents of the Doctoral (DSc) Dissertation Abstract**

**Турсунов Бобир Ортикомирзаевич**

Корхоналар молиявий хавфсизлигини таъминлаш методологиясини такомиллаштириш.....	3
---	---

**Турсунов Бобир Ортикомирзаевич**

Совершенствование методологии обеспечения финансовой безопасности предприятий.....	37
---	----

**Tursunov Bobir Ortikmirzaevich**

Improving the methodology for ensuring financial security enterprises.....	73
--	----

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works.....	78
------------------------------	----

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/10.12.2019.I.16.01. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ТУРСУНОВ БОБИР ОРТИКМИРЗАЕВИЧ**

**КОРХОНАЛАР МОЛИЯВИЙ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ  
МЕТОДОЛОГИЯСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**08.00.07 - Молия, пул мумаласи ва кредит**

**Иқтисодиёт фанлари доктори (DSc) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2021**

**Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2021.2.DSc/Iqt311 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент давлат иқтисодиёт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг вебсаҳифасида ([www.tdiu.uz](http://www.tdiu.uz)) ва «Ziyonet» ахборот-таълим портали ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) манзилида жойлаштирилди.

**Илмий маслаҳатчи:**

**Бурханов Актам Усманович**  
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Гулямов Саидахрор Саидахмедович**  
иқтисодиёт фанлари доктори, академик

**Кўзиева Наргиза Рамазановна**  
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

**Исмаилов Алишер Агзамович**  
иқтисодиёт фанлари доктори

**Етакчи ташкилот:**

**Наманган мұхандислик-технология институти**

Диссертация химояси Тошкент давлат иқтисодиёт университети хузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2020.I.16.02 рақамли илмий кенгашнинг 2021 йил «28» сентябр соат 16-00 даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100066, Тошкент шаҳри, Ислом Каримов кўчаси, 49-йй. Тел.: (99871) 239-28-72, факс: (99871) 239-43-51, e-mail: [tsue@tsue.uz](mailto:tsue@tsue.uz)

Диссертация билан Тошкент давлат иқтисодиёт университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (1081-рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100066, Тошкент шаҳри, Ислом Каримов кўчаси, 49-йй. Тел.: (99871) 239-28-72, факс: (99871) 239-43-51, e-mail: [tsue@tsue.uz](mailto:tsue@tsue.uz).

Диссертация автореферати 2021 йил «25» август куни тарқатилди.  
йил «25» августдаги 29- рақамли реестр баённомаси).

**Н.Х. Жумаев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, и.ф.д., профессор

**Б.Т.Бердияров**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, и.ф.д., доцент

**С.К. Худойқулов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, и.ф.д., доцент

## **КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарбилиги ва зарурати.** Жаҳонда Covid-19 пандемияси оқибатида юзага келган рецессия бизнес субъектларининг молиявий барқарорлигига ўзининг турли йўналишлардаги таъсирини кўрсатмоқда. «Иккинчи Жаҳон урушидан кейинги энг йирик талофатни олиб келиб, жаҳон иқтисодиёти 2020 йилда 2019 йилга нисбатан 3,27 фоизга пасайди»<sup>1</sup>. «Ушбу инқироз аввалги 1975, 1982, 1991, 2009 йилларда бўлиб ўтган иқтисодий-молиявий инқирозлардан кескин фарқ қилган ҳолда, бизнес субъектларининг молиявий хавфсизлигини таъминлаш ёндашувларини батамом ўзгартириб юборди»<sup>2</sup>. Амалга оширилаётган илмий тадқиқотлар бизнес субъектларининг рақобатбардошлигини оширишда молиявий барқарорлик ва хавфсизликни таъминлашга алоҳида эътибор қаратиш зарурлигини кўрсатмоқда. Мазкур тадқиқотларда корхоналар молиявий барқарорлигини таъминлаш уларнинг стратегик ривожланишига самарали йўл эканлиги исботланган. Шунингдек, молиявий рискларни баҳолаш, уларни хавф-хатарини камайтириш, фонд бозорида акциялар нархларини тушиб кетиши, корхона риск-менежментини стратегик бошқаришнинг концептуал жиҳатлари, иқтисодий инқирозларда корхонани бошқариш масалалари, акциядорлар билан ўзаро ҳамкорлик асосида қўшилиш ва ютиб юбориш хавфлари, корхона молиявий хавфларини таъминлаш усуллари ва моделларини ишлаб чиқиш масалалари кенг ўрганилган. Шу билан бирга корхона молиявий хавфсизлигига таъсир этувчи макро- ва микроомиллар, молиявий хавфсизликни таъминлашнинг асосий драйверларини аниқлашга қаратилган ёндашувларни таҳлил қилиш, инфляция, сиёсий барқарорлик ва бошқа ижтимоий-иқтисодий омилларни корхоналар молиявий хавфсизлигига таъсирини аниқлашга қаратилган илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Жаҳонда корхона активларини молиявий салоҳиятини баҳолаш, ресурсларни бошқариш, молиявий барқарорлигини таъминлаш йўналишларида илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Ҳозирги кунда Жаҳон Банки, Халқаро Валюта Фонди, БМТнинг ижтимоий-иқтисодий масалалар бўйича Департаментлари томонидан Covid-19 пандемияси оқибатида юзага келаётган иқтисодий инқироз шароитида корхоналарни молиявий соғломлаштириш, рискларни баҳолаш ҳамда уларни бошқариш, шунингдек молиявий бошқарув самарадорлигини ошириш бўйича устувор йўналишларда илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Мазкур тадқиқотларда корхонанинг рақобатбардошлигини оширишда молиявий менежментга эътибор қаратиш самарали йўл эканлиги исботланган. Шунингдек амалга оширилган тадқиқотларда рискларни камайтириш ва бартараф этиш, инвестицион лойиҳаларда рискларни баҳолаш, корхонанинг ички салоҳиятини таҳлил қилиш усуллари, корхонанинг молиявий хавфсизлигини стратегик бошқаришнинг концептуал жиҳатлари, акциядорлик корхоналар

<sup>1</sup> <https://www.statista.com/statistics/273951/growth-of-the-global-gross-domestic-product-gdp>

<sup>2</sup> Zumbrun, Josh (10 May 2020). «Coronavirus Slump Is Worst Since Great Depression. Will It Be as Painful?». The Wall Street Journal. ISSN 0099-9660. Retrieved 20 January 2021.

молиявий барқарорлигини таъминлашнинг ташкилий-иқтисодий усуллари ва корхонанинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш масалалари кенг ўрганилган. Бироқ, корхона молиявий хавфсизлигига таъсир этувчи омиллар, асосида уларнинг молиявий хавфсизлигини комплекс баҳолаш масалалари зарурияти ошиб бормоқда.

Ўзбекистонда корхоналар молиявий хавфсизлигини таъминлаш масалалари, жумладан, «тадбиркорлик субъектларининг молиявий-хўжалик фаолиятига оид маълумотлар базасини шакллантириш, уларни автоматлашган ахборот тизими орқали таҳлил қилиб, хавф-хатарларни баҳолаш»<sup>3</sup>га алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мазкур вазифаларнинг изчил ва самарали бажарилиши мамлакатда корхоналар молиявий барқарорлигини таъминлашга, банкротлик даражасини пасайтиришга, инвестицион рискларни аниқлашга, шунингдек корхоналарнинг инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда, инвестиция лойиҳаларини ва инвестиция қарорларини қабул қилишда, корхона молиявий хавфсизлигига ички ва ташқи таҳдидлар, корхонанинг активлари қийматини баҳолаш, ликвидлилик коэффициенти, тўлов қобилияти, рентабеллик даражасини таҳлил қилишга, молиявий хавфсизлигини баҳолаш бўйича ягона ахборот платформасини шакллантириш, корхоналар молиявий хавфсизлигини таъминлашнинг замонавий усулларидан фойдаланиш учун ҳар томонлама имкон яратади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 майдаги ПФ-5729-сон «Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2018 йил 22 январдаги ПФ-5308-сон 2017-2021 йилларда ўзбекистон республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-куватлаш йили»да амалга оширишга оид Давлат дастури тўғрисида»ги фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 14 декабрдаги 1013-сон «Давлат иштироқидаги корхоналарни молиявий соғломлаштириш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2015 йил 28 يولдаги 207-сон «Давлат улуши бўлган акциядорлик жамиятлари ва бошқа хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонларини жорий этиш тўғрисида» қарорлари ва соҳага оид бошқа меъёрий-хуқуқий хужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация иши муайян даражада хизмат қиласди.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Демократик ва

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 3 февралдаги «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Ёшлиларни қўллаб-куватлаш ва ахоли саломатлигини мустахкамлаш йили»да амалга оширишга оид Давлат дастури тўғрисида»даги фармони ПФ-6155-сон, 2021 йил 3 февраль.

хуқуқий жамиятнинг маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шархи<sup>4</sup>.** Корхонанинг молиявий хавфсизлигини таъминлаш бўйича тадқиқотлар жаҳоннинг етакчи олий таълим муассасалари, илмий марказлари ва нуфузли халқаро молия-кредит ташкилотлари, жумладан, Harvard University, Duke University, World Bank, IMF, New York University, University of Chicago (АҚШ), Oxford University, University of Manchester, University of Leeds, London school of Economics (Буюк Британия), Инвестиция кафолатлари бўйича қўп томонлама агентлик, Баҳоловчилар ассоциациясининг Европа груҳи, Санкт-Петербург давлат иқтисодиёт университети, Россиянинг Илмий тадқиқот молия институти (НИФИ), Жанубий Урал давлат университети, Россия Молия университети ҳамда МДУ молия факультети томонидан амалга оширилмоқда.

Дунёда амалга оширилган илмий тадқиқотлар натижасида корхонанинг молиявий барқарорлигини таъминлаш бўйича қуидаги илмий натижалар олинган, жумладан: молиявий рискларни баҳолаш бўйича услубиёт ишлаб чиқилган (McKinsey&Co); корхоналарда ахборот хавфсизлигини таъминлаш асосида унинг барқарорлигини таъминлаш тавсия этилган (HOLT Value Associates); корхона молиявий менежменти концепциясини ишлаб чиқилган (L.E.K. Consulting); молиявий ресурсларини самарали бошқариш ҳамда рискларни баҳолаш, BS 31100:2008 Британия стандарти ишлаб чиқилган (Ernst&Young, KPMG, Deloitte); ГОСТ Р ИСО 31000:2010 «Риск-менежменти: тамойиллар ва қўлланма»; ГОСТ Р ИСО/МЭК 31010:2011 «Рискларни баҳолаш усуллари») методологияси такомиллаштирилган (МДУ).

Мамлакатимизда корхоналар молиявий хавфсизлигини таъминлашнинг назарий-методологик, услубий ва иқтисодий-хуқуқий асосларини такомиллаштириш бўйича қатор устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда. Жумладан: иқтисодий хавфсизлик, молиявий барқарорлик, ликвидлилик, рентабелликни ошириш ва инқирозга қарши курашишни бошқариш масалалари Тошкент давлат иқтисодиёт университети, Тошкент молия институти, Тошкент давлат иқтисодиёт университети қошидаги «Ўзбекистон иқтисодиётининг ривожланишининг илмий асослари ва муаммолари» илмий тадқиқот маркази ҳамда Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги хузуридаги Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институтининг фундаментал ва амалий лойиҳаларида ҳам ўз аксини топган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Корхоналар молиявий барқарорлигини таъминлаш молиявий менежментини такомиллаштириш йўли билан уни босқичма-босқич ошириш, корхоналар молиявий

<sup>4</sup> Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шархи [www.worldbank.org](http://www.worldbank.org); [www.worldbankgroup.org](http://www.worldbankgroup.org); <http://www.imf.org>; <http://www.miga.org>; <https://unecon.ru>; <https://hsem.susu.ru/es>; <http://www.fa.ru>; [www.mgu.ru](http://www.mgu.ru); [www.ey.com](http://www.ey.com); [www.deloitte.com](http://www.deloitte.com); <https://tfi.uz/en>; <http://tsue.uz>; <https://ifmr.uz> ва бошқа манбалар асосида тайёрланган.

стратегиясини ишлаб чиқиш ва молиявий барқарорликни баҳолашнинг методологик асослари хорижий муаллифларнинг илмий асарларида кенг тадқиқ этилган. Молиявий хавфсизлик назарияси масалалари билан А.Смит, Д.Рикардо, А.Маршалл, Ж.Милль, ва бошқа кўпгина классик иқтисодий назария мактаби вакиллари шуғулланганлар<sup>5</sup>. Макроиқтисодий муносабатларнинг турли жиҳатлари, корхоналарни яратилиши сабаблари ва фаолияти С.Л. Брю, Р.М. Качалов, Р.Г. Коуз, К.Р. Макконелл, В.Д. Нордхаус, С.П. Роббина, П.А. Самуэльсон, А. Стриклэнд, В.Л. Тамбовцев, А. Томпсон ва бошқа иқтисодчилар ишларида баён қилинган. Молиявий хавфсизликни таъминлаш масалалари, молиявий хавфсизликка таҳдидлар ва уларни олдини олиш стратегиялари С.М.Аманда, С.Ахмад, де Гоеде, Сантяго Морал-Гарсия, В.Зенг ва бошқа олимлар томонидан тадқиқ этилган<sup>6</sup>.

МДҲ мамлакатлари иқтисодчи-олимлари Л. И.Абалкин, В. К.Сенчагов, И.Лебедев, Г.Крохичева, Э.Архипов, К.Зенцова, Е.Новикова, А.Д.Шеремет, М.Ю.Куссый, Н.Якушина ва бошқалар томонидан корхоналар иқтисодий ва молиявий хавфсизлигини баҳолаш ва бошқариш муаммолари бўйича бир қатор тадқиқотлар ўтказилган, жумладан, рақобатбардошлик концепциясига асосланган; кредит молия ташкилотларида молиявий рискларни бошқаришнинг замонавий тизимини яратишга йўналтирган бошқарув концепциясини амалга ошириш механизмини ишлаб чиқиш; банкротлик ва бошқа корхонага қўшилиб кетишни олдини олиш; молиявий рисклар учун Монте-Карло моделини таҳлил қилиш; корхоналарда молиявий ва иқтисодий рискларни баҳолашнинг концептуал жиҳатлари; акциядорлар билан ўзаро

<sup>5</sup> Маршалл А. Принципы экономической науки. Т. 1. и 2. - М.: Издание РОО, 1996; Милль Дж. Основы политической экономии. Пер. с анг. – Т. 1-3. – М.: Прогресс, 1980-1981.; Рикардо Д. Начала политической экономии и налогового обложения. Том 1. Пер. с анг. – М.: Госполитиздат, 1955.; Смит А. Исследование о природе и причинах богатства народов. – М.: Эксмо, 2007. – Серия: Антология экономической мысли – 960 с.

<sup>6</sup> Amadae, S.M. (2017) Perpetual anarchy: From economic security to financial insecurity. *Finance and Society*, 3(2): 188-96.; Amicelle, A. (2017) When finance met security: Back to the War on Drugs and the problem of dirty money. *Finance and Society*, 3(2): 106-23. Amoore, L. (2011) Data derivatives: On the emergence of a security risk calculus for our times. *Theory, Culture & Society*, 28(6): 24-43.; Ahmad S., Ng Ch., McManusc L. Enterprise risk management (ERM) implementation: Some empirical evidence from large Australian companies. *Procedia - Social and Behavioral Sciences* 164 ( 2014 ) 541 – 547; Arrieta-Paredes M., Hallsworth A., Coca-Stefaniak J. Small shop survival – The financial response to a global financial crisis. *Journal of Retailing and Consumer Services* 53 (2020) 101984. pp.; de Goede, M. (2010) Financial security. In: Burgess, J.P. (ed.) *The Routledge Handbook of New Security Studies*. London: Routledge, 100-109.; Der Derian, J. (1995) The value of security: Hobbes, Marx, Nietzsche and Baudrillard. In: Lipschutz, R. (ed.) *On Security*. New York, NY: Columbia University Press, 24-45.; Langley, P. (2013) Toxic assets, turbulence and biopolitical security: Governing the crisis of global financial circulation. *Security Dialogue*, 44(2): 111-26.; Langley, P. (2017) Finance/security/life. *Finance and Society*, 3(2): 173-79; Santiago Moral-Garc’ia, Santiago Moral-Rubio, Eduardo B. Fern’andez, Eduardo Fern’andez-Medina, Enterprise Security Pattern: A Model-Driven Architecture Instance, *Computer Standards & Interfaces* (2013), doi: 10.1016/j.csi.2013.12.009; Delas V., Nosova E., Yafinovych O. Financial Security of Enterprises. *Procedia Economics and Finance* 27 ( 2015 ) 248 – 266; Yu-Lun Chen, et al., The value of implementing enterprise risk management: Evidence from Taiwan’s financial industry. *North American Journal of Economics and Finance*, <https://doi.org/10.1016/j.najef.2019.02.004>; Yang B. Construction of logistics financial security risk ontology model based on risk association and machine learning; Yildirim E., Akalp G., Aytac S., Bayram N. Factors influencing information security management in small- and medium-sized enterprises: A case study from Turkey. *International Journal of Information Management* 31 (2011) 360–365; Zeng W., Koutny M. Modelling and analysis of corporate efficiency and productivity loss associated with enterprise information security technologies. *Journal of Information Security and Applications* 49 (2019) ; Zhang W., Jiang H. Application of Copula function in financial risk analysis. *Computers and Electrical Engineering* 77 (2019) 376–388.

ҳамкорлик асосида қўшилиш ва ютиб юбориш жараёнида юзага келадиган молиявий рискларни бошқариш; акциядорлик корхоналар молиявий барқарорлигини таъминлаш, корхона молиявий хавфсизлигини таъминлашнинг ташкилий- иқтисодий усуллари ва моделларини ишлаб чиқиш ва бошқалар<sup>7</sup>.

Макро- ва микродарражаларда иқтисодий ва молиявий хавфсизликни таъминлаш, уларни баҳолаш ва бошқариш масалалари мамлакатимиз олимлари – Н.Жумаев, Д.Рахмонов<sup>8</sup>, А.Бурханов, Х.Абулқосимов,

<sup>7</sup> Абалкин Л. И. Экономическая безопасность России: угрозы и их отражение // Вопросы экономики. 1994. № 12. С. 4–16.; Анциборко К. Математические модели управления производственной и финансовой безопасностью промышленного предприятия. Дис. на соиск. уч. ст. к.э.н. ГОУ ВПО «Российская экономическая академия им Г.В. Плеханова. Москва. 2007.; Лебедев И. Методы минимизации финансовых рисков при обеспечении экономической безопасности предприятий металлургии. Дис. на соиск. уч. ст. к.э.н. Федеральное государственное образовательное учреждение высшего профессионального образования «Финансовая академия при правительстве Российской Федерации» (Финакадемия). Москва. 2008.; Глоов М. Совершенствование системы управления рисками на промышленных предприятиях. Дис. на соиск. уч. ст. к.э.н. Институт социально-экономических исследований ДНЦ РАН. Махачкала. 2005.; Гапоненко В.Ф.. Экономическая безопасность предприятий. Подходы и принципы / В.Ф. Гапоненко, А.А. Бесиалько, А.С. Власков. - М.: Ось - 89, 2007. - 208 с.; Колесниченко Н.А. Методические аспекты оценки и обеспечения экономической безопасности предприятия / Е.А. Колесниченко, М.Т. Гильфанов // Вестник Тамбовского университета. Серия: Гуманитарные науки. - 2013. - № 11 (127). - С. 56-62.; Управление организацией: Учебник / Пол. ред. Л.Г. Поршнсва, З.И. Румянцевой, И.А. Соломатина. 2-е изд., перераб. и доп. М., ИНФРА-М, 2001. 669 с.; Степичева О.Л. Формирование стратегии управления экономической безопасностью предприятия в контексте вступления России в ВТО / О.Л. Степичева, В.Д. Мамонтов // Вестник Тамбовского университета. Серия: Гуманитарные пачки. - 2011. - 1. 10-1. - № 12-2. - С. 415-449; Основы экономической безопасности (государство, регион, предприятие, личность): учеб.-практ. пособ. / В.И. Видяпил [и др.] / под ред. К. Л. Олейникова. - М.: Бизнес-школа «Интел-синтез», 1997. - 278 с.; Иванова Л.К. Экономическая безопасность предприятия / Л.К. Иванова // Вестник Уфимского государственного авиационного технического университета. - 2013. - '1. 17. № 7 (60). - С.30-33.; Крохичева Г., Архипов Э., Зенцова К., Новикова Е. Финансовая безопасность в системе экономической безопасности. КАНТ. №3 (20). 2016. С.107-111.; Куссий М.Ю. Финансовые риски и финансовая безопасность предприятия. Науковий вісник: Фінанси, банки, інвестиції - 2013 - №4. С. 35-40; Крохичева Г.Е., Архипов Э.Л., Баздикян М.Ю., Истомин А.В. Идентификация рисковых ситуаций в системе экономической безопасности // Интернет-журнал «НАУКОВЕДЕНИЕ» Том 9, №4 (2017); Семенов А. Обеспечение финансовой безопасности в управлении обязательствами организаций химической промышленности. Дис. на соиск. уч. ст. к.э.н.. Федеральное государственное бюджетное образовательное учреждение высшего образования «Поволжский государственный технологический университет». Йошкар-Ола, 2018.; Экономическая безопасность России: Общий курс: Учебник / Под ред. В. К. Сенчагова. 2-е изд. – М.: Дело. – 2005. – 896 с.; Спирина С. Финансовая безопасность экономических систем опережающего развития. Национальные интересы: приоритеты и безопасность. №8 (2016) с. 55-68.; Кондрат Е. Финансовая безопасность как объект финансового контроля. Вестник РУДН, серия Юридические науки, 2012, № 2. С.30-37.; Шеремет А.Д. Методика комплексного анализа хозяйственной деятельности. Учебное пособие. - М.: «Экономика», 2008; Якушина Н. Финансовая безопасность предприятия. Вестник Университета. №11. 2013. С. 132-135.; Кузнецова Е., Лаптев Д. Финансовая безопасность предприятия как предмет финансового планирования. Вестник Московского университета МВД России. №5. 2011. С. 52-57.

<sup>8</sup> Н.Х.Жумаев, Д.А.Рахмонов, Д.М.Азимова. Ўзбекистон давлат қарзи ва иқтисодий глобаллашув.Монография. –Т.: «Инновацион ривожланиш нашриёт-матбаа уйи», 2020, 164 бет.; Бурханов А.У. Молиявий хавфсизлик.Ўқув кўлланма.Иқтисодиёт. 2019, 164 б.; Абулқосимов Х.П. Иқтисодий хавфсизлик. Т.: Академия, 2006, 111 – б.; Пардаев М.К., Аминов З.Ю. Корхонанинг иқтисодий хавфсизлиги ва уни таъминлаш ўйлари. Рисола. Самарканд: Зарафшон, 2008.- 47 бет.; Маликов Т.С. Молия: хужалик юритувчи субъектлар молияси. Ўқув кўлланма. И.ф.д., проф. А.В .Вахобовнинг умумий таҳрири остида. -Т.: «IQTISODMOLIYA», 2009.; Абдукаримов И. Т., Пардаев М .Исролов Б.И. Корхонанинг иқтисодий салоҳияти таҳлили. - Т.: «Иқтисодиёт ва хукук дунёси», 2003.; Каримов Н. Ф., Хамирова Ф. Иқтисодий хавфсизлик: иқтисодий моҳияти ва мустаҳкамлаш омиллари. «Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar» илмий-электрон. № 3, 2019 йил, 214-223 б.; Ortiqova D. «Iqtisodiy xavfsizlik» (O‘quv qo‘llanma). –Т.: TDIU, 2010. 150 bet.; Истамов Д.И., Ю.А.Гранаткин, М.М.Мухаммедов, Э.Н.Ходжаев. Экономическая безопасность предприятия и защита коммерческой тайны. Самарканд. 1995.- 152 бет.; Ишмухаммедов А.Э. Иқтисодий хавфсизлик. Ўқув кўлланма. – Т.: ТДИУ , 2004. – 176 б.; Нарзуллаева Д.К. Учебно-методический

И.Т.Абдукаримов, М.К.Пардаев, Т.С.Маликов, Н. Ф.Каримов, Ф.Хамирова, Д.Ортикова, Д.И.Истамов, М.М.Мухаммедов, Э.Н.Ходжаев А.Э.Ишмухаммедов, Д.К.Нарзуллаева, А.Е.Пармонов, А.И.Игамбердиев, Ф.Дадаев, М.Қодиров, Д.Р.Рустамов ва бошқаларнинг илмий ишларида ҳам ўз аксини топган. Кўрсатиб ўтилган муаллифларнинг ишлари, шубҳасиз, корхонанинг молиявий хавфсизлигини таъминлаш назариясига катта улуш қўшади. Аммо корхонани молиявий хавфсизлигини таъминлаш муаммосининг мураккаблиги ва кўп қирралилиги туфайли мазкур тадқиқотларда унинг барча жиҳатлари етарли даражада тадқиқ қилинмаган. Корхоналар молиявий хавфсизлигини таъминлаш ва уни баҳолаш, хорижий мамлакатлар тажрибасини Ўзбекистон шароитига мослаштириш, корхоналар молиявий хавфсизлигини таъминлаш методологиясини мамлакатимиз корхоналарига мослаб ишлаб чиқиши мақсадида бошқарувнинг умумий қабул қилинган усувларини қўллаш ва илмий асослаш зарурияти мавжуд.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Мазкур илмий иш Тошкент давлат иқтисодиёт университети Ф-1-68-сон «Трансакциялар ва трансакция харажатларини бошқаришнинг илмий-методологик асосларини ишлаб чиқиши» мавзусидаги (2012-2016 йй.) фундаментал ва ПЗ-20170928530035 «Ўзбекистонда инвестиция фонdlарининг ўзига жалб этиш механизмини ишлаб чиқиши» мавзусидаги (2018-2020 йй.) амалий лойиҳалар доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** корхоналар молиявий хавфсизлигини таъминлаш методологиясини такомиллаштиришга қаратилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

корхоналар молиявий хавфсизлигини таъминлашнинг илмий-назарий асосларини тадқиқ қилиш ва умумлаштириш;

корхоналар молиявий хавфсизлигини таъминлашнинг концептуал ҳолатларини тадқиқ қилиш ва уни амалга ошириш механизмларини белгилаш;

корхоналар молиявий хавфсизлигини таъминлашнинг методологик жиҳатини бойитиш;

корхоналар молиявий хавфсизлигига таъсир этувчи ички ва ташки омилларни аниқлашга қаратилган ёндашувларни таҳлил қилиш ва уларни бир тизимга келтириш;

корхоналар молиявий хавфсизлигини тавсифловчи кўрсаткичлар тизимини шакллантириш ва уларни баҳолашга услубий ёндашувларни ишлаб чиқиши;

---

комплекс по дисциплине «Безопасность в индустрии – сервиса». – Т.: ТГЭУ.- 434 с.; Пармонов А.Е., Игамбердиев А., Дадаев Ф, Қодиров М. Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги. (Лотин алифбосида) Т.: Иқтисод-молия, 2007.-196 б. ; Рустамов Д.Р. Ўзбекистонда пенсия жамгармасининг молиявий баркарорлигини таъминлаш ўйналишлари. Иқтисодиёт фанлари доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. –Тошкент, 2018. – 17 б.

корхоналар молиявий хавфсизлигини таъминлашнинг меъёрий-хуқуқий асосларини тадқиқ этиш;

Ўзбекистоннинг тўқимачилик тармоғида молиявий хавфсизликни таъминлаш ҳолати ва муаммоларини таҳлил қилиш;

тўқимачилик корхоналари молиявий хавфсизлигини таъминлашни оптималь бошқарув механизми такомиллаштириш;

тўқимачилик корхоналарида молиявий хавфсизликни таъминлашда ишлаб чиқариш қувватларидан оқилона фойдаланиш йўлларини ишлаб чиқиши;

корхоналар молиявий хавфсизлигини стратегик ва оператив даражаларда комплекс баҳолаш услубиётини тадқиқ этиш;

тўқимачилик корхоналарида молиявий хавфсизликни таъминлашнинг концептуал моделини асослаш;

эконометрик усуллар орқали «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмаси таркибидаги корхоналарнинг молиявий хавфсизлиги даражасининг ўрта муддатли истиқболда прогноз кўрсаткичларини ишлаб чиқиши.

**Тадқиқотнинг обьекти** сифатида «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмаси тизимидағи корхоналар фаолияти олинган.

**Тадқиқотнинг предметини** корхоналар молиявий хавфсизлигини таъминлаш жараённида юзага келадиган молиявий-иктисодий муносабатлар ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда тизимли ёндашув, иқтисодий, статистик, тақослаш, омилли ва таркибий таҳлил, статистик гурухлаш, илмий абстраклаш усули, таҳлил ва синтез, эконометрик усуллардан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қўйидагилардан иборат:

тўқимачилик корхоналари бошқарув тузилмасига рақобат стратегиясини ишлаб чиқиши ва амалга ошириш учун молиявий хавфсизликни таъминлаш бўлимини киритиш мақсадга мувофиқлиги асосланган;

тўқимачилик корхоналари молиявий хавфсизлик даражасига таъсир этувчи ички ва ташқи муҳит омилларини аниқлаш мақсадида баҳолаш мезонларининг юқори ва қўйи чегаралари (чизиқли матрица қийматларининг (0-0,22) – «хавф юқори», (0,23-0,51) – «ўртacha хавф», (0,52-0,80) – «барқарор», (0,81-0,99) – «меъёрдаги хавфсиз» ва (1 дан юқори) – «мутлақо хавфсиз») ишлаб чиқилган;

корхоналарда молиявий бошқарув инструментларидан оқилона фойдаланиш ҳамда молиявий хавфсизликни таъминлашни бошқариш самарадорлигини (0-0,30) – «ёмон», (0,31-0,50) – «қониқарсиз», (0,51-0,70) – «қониқарли», (0,71-0,85) – «яхши» ва (0,86-1) – «каъло» шкалалари бўйича комплекс баҳолашнинг мақсадга мувофиқлиги асосланган;

тўқимачилик тармоғида молиявий хавфсизликни тадқиқ этишда ҳудудлар саноат ишлаб чиқаришининг прогрессив ва циклик динамикаси параметрларини баҳолаш  $y_1=108,19+0,096*t+1,912\sin((-0,679)*t)-1,155\cos((-0,679)*t)$  модели ишлаб чиқилган;

Covid-19 пандемияси билан боғлиқ глобал иқтисодий инқиroz туфайли юзага келган юқори «турбулентлик» шароитида иқтисодий ўсишнинг ишончли предикторлари асосида Ўзбекистон тўқимачилик саноатида 2025 йилгача ишлаб чиқаришнинг оптимистиқ, реал ва пессимистик вариантлардаги прогнози ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қўйидагилардан иборат:

назарий тадқиқотлар асосида «Молиявий хавфсизлик» тушунчасининг мазмун-моҳияти очиб берилган, «Корхонанинг молиявий хавфсизлиги» тушунчасига муаллифлик таърифи таклиф этилган;

корхона молиявий хавфсизлигининг мавжуд назарий ва методологик қоидалари такомиллаштирилган;

турли услубий ёндашувларни ўрганиш ва умумлаштириш асосида корхоналар молиявий хавфсизлигини таъминлашнинг концептуал қоидалари ишлаб чиқилган;

корхоналар молиявий хавфсизлигини таъминлашнинг оптимал бошқариш механизми ишлаб чиқилган;

молиявий барқарорликнинг ва молиявий стратегиянинг мукаммалиги корхона молиявий хавфсизлигини таъминлашга таъсири асосланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқотда қўлланилган ёндашув ва усусларнинг мақсадга мувофиқлиги, маълумотларнинг расмий манбалардан, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмасининг статистик маълумотларидан олингани ҳамда тегишли хулоса ва таклифларнинг мутасадди ташкилотлар томонидан амалиётга жорий қилингани билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти** корхона молиявий хавфсизлигини таъминлаш методологияси янада такомиллаштириш бўйича аниқ тавсияларни таҳлил қилиш, баҳолаш ва ишлаб чиқишида улардан фойдаланиш имконияти билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган илмий таклиф ва амалий тавсиялардан корхоналар молиявий хавфсизлигини таъминлаш ҳамда барқарорлигини таъминлаш тизимини такомиллаштиришга қаратилган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг беш устувор йўналиши бўйича Ҳарақатлар стратегиясида қўрсатилган вазифаларни бажаришга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқишида фойдаланиш мумкин.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Корхоналар молиявий хавфсизлигини таъминлаш методологиясини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

тўқимачилик корхоналари бошқарув тузилмасига молиявий хавфсизликни таъминлаш бўлимини киритиш мақсадга мувофиқлиги бўйича берилган таклиф «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмаси таркибидаги корхоналарнинг ишлаб чиқариш фаолиятига уюшманинг №67-сон буйруғига асосан жорий этилган («Ўзтўқимачисаноат» уюшмасининг 2021 йил

24 майдаги 04-06/1643-сон маълумотномаси). Мазкур таклифни жорий этилиши, «SIRDARYA BEST FASHION» МЧЖ ХКда дебиторлик қарздорликни ва харажатларни оптималлаштириш асосида кредиторлик қарзларини 1,4 баробар камайтиришга, «BETLIS TEKSTIL» МЧЖ да дебиторлик қарздорликни ва харажатларни оптималлаштириш асосида кредиторлик қарзларини 22,5 фоизга камайтиришга, «Наманган тўқимачи» МЧЖда дебиторлик ва харажатларни оптималлаштириш асосида кредиторлик қарзларини 22,5 фоизга камайтиришга имконият яратилган;

тўқимачилик корхоналари молиявий хавфсизлик даражасини баҳолашнинг юқори ва кўйи чегаралари асосида «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмасининг №67-сонли ички буйруғига кўра таркибдаги корхоналарнинг молиявий хавфсизлиги даражалари баҳоланган («Ўзтўқимачисаноат» уюшмасининг 2021 йил 24 майдаги 04-06/1643-сон маълумотномаси). Натижада «BETLIS TEKSTIL» МЧЖ, «SIRDARYA BEST FASHION» МЧЖ ХК ҳамда «Наманган тўқимачи» МЧЖ корхоналарида молиявий хавфсизлик ҳолатлари аниқланиб, молиявий хавфсизликка хавф соловчи ички таҳдидлар аниқланиб, уларни бартараф этиш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқилган;

корхоналарда молиявий хавфсизликни таъминлашни бошқариш самарадорлигини (0-0,30) – «ёмон», (0,31-0,50) – «қониқарсиз», (0,51-0,70) – «қониқарли», (0,71-0,85) – «яхши» ва (0,86-1) – «аъло» шкалалари бўйича комплекс баҳолаш бўйича илмий таклифлар «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмасининг №67-сонли ички буйруғига асосан жорий этилди. («Ўзтўқимачисаноат» уюшмасининг 2021 йил 24 майдаги 04-06/1643-сон маълумотномаси). Натижада Натижада «BETLIS TEKSTIL» МЧЖ, «SIRDARYA BEST FASHION» МЧЖ ХК ҳамда «Наманган тўқимачи» МЧЖ корхоналарида молиявий хавфсизликни бошқариш самарадорлиги баҳоланиб, молиявий хавфсизликни таъминлаш самарадорлигига таъсир этувчи омиллар аниқланиб, уларни бартараф этиш бўйича амалий таклифлар ишлаб чиқилган;

тўқимачилик тармоғида молиявий хавфсизликни тадқиқ этиш ёндашви худудлар саноат ишлаб чиқаришининг прогрессив ва циклик динамикаси параметрларини баҳолаш ( $y_1=108,19+0,096*t+1,912\sin((-0,679)*t)-1,155\cos((-0,679)*t)$ ) моделини эътиборга олган ҳолда такомиллаштириш бўйича илмий таклифлар «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмасининг «Ўзбекистон тўқимачилик ва тикув трикотаж саноатини ривожлантиришнинг 2030 йилгacha бўлган ривожланиш стратегияси»да фойдаланиш учун қабул қилинди. («Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмасининг 2021 йил 24 майдаги 04-06/1643-сон маълумотномаси). Натижада таклифлардан Ўзбекистон тўқимачилик ва тикув трикотаж саноатини ривожлантиришнинг 2030 йилгacha бўлган ривожланиш стратегиясининг 6-бандидаги «Тўқимачилик саноатини узок муддатли техник-иктисодий ривожланишнинг мақсадли параметрларини» белгилаш бўлимида фойдаланилган;

Covid-19 пандемияси билан боғлиқ глобал иқтисодий инқиroz туфайли юзага келган юқори «турбулентлик» шароитида иқтисодий ўсишнинг ишончли предикторлари асосида Ўзбекистон тўқимачилик саноатида 2025 йилгача ишлаб чиқаришнинг оптимистиқ, реал ва пессимистик варианлардаги прогнозлар «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмасининг «Ўзбекистон тўқимачилик ва тикув трикотаж саноатини ривожлантиришнинг 2030 йилгача бўлган ривожланиш стратегияси»да фойдаланиш учун қабул қилинди. («Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмасининг 2021 йил 24 майдаги 04-06/1643-сон маълумотномаси) Ўзбекистон тўқимачилик корхоналарининг 2020-2025 йилларда ривожланиш прогноз сценарийлари учун ишлаб чиқилган эконометрик моделлар асосида Ўзбекистон тўқимачилик ва тикув трикотаж саноатини ривожлантиришнинг 2030 йилгача бўлган ривожланиш стратегиясининг тегишли бандларига тузатишлар киритилган.

**Тадқиқот натижаларини аprobацияси.** Диссертацион тадқиқотнинг асосий ғояси ва натижалари маъruzалар шаклида 5 та халқаро, 4 та республика илмий-амалий конференцияларида баён этилган ва маъқулланган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича 30 та илмий иш, шу жумладан 1 та илмий монография, 1 та ўқув қўлланма, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялар асосиј натижаларини чоп этиш бўйича тавсия этилган илмий нашрларда 14 та мақола, жумладан, 10 таси республика ва 4 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, тўрт боб, хуроса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 208 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмida диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объект ҳамда предмети тавсифланган, Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларга мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари баён қилинган, уларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган. Шунингдек, тадқиқот натижаларини амалиётга татбиқ этилиши, нашр қилинган ишлар ва диссертациянинг таркибий тузилиши ҳақидаги маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Корхоналарда молиявий хавфсизликни таъминлашнинг назарий-услubий асослари»** деб номланган биринчи бобида тадқиқотнинг илмий-назарий, методологик ва амалий жиҳатлари тадқиқ этилган, хусусан корхоналар молиявий хавфсизлигини таъминлашни бошқаришнинг илмий асослари, корхоналарнинг молиявий барқарорлиги ва хавфсизлигини таъминлашнинг меъёрий-ҳуқуқий асослари, корхоналар молиявий хавфсизлигига таъсир қилувчи омиллар таснифи назарий-услubий жиҳатдан изоҳлаб берилган.

Кўплаб муаллифлар корхонанинг иқтисодий хавфсизлигини таҳлил қилишда етакчи ўринлардан бирiga унинг молиявий фаолияти билан боғлик масалаларни қўйишади. Бир гуруҳ олимлар (Сенчагов В.К. ва бошқалар) иқтисодий хавфсизликка эришиш омилларидан бири бу корхонанинг молиявий мустақиллиги ва барқарорлигини таъминлаш деб ҳисоблади<sup>9</sup>. Муаллиф фикрича, корхонанинг молиявий хавфсизлиги бу – корхонанинг молиявий манфаатларини ташки ва ички таҳдидлардан ҳимояланган ҳолда унинг молиявий-иқтисодий барқарорлиги, ликвидлилиги ва такрор ишлаб чиқаришни кенгайтириш ҳамда стратегик молиявий мақсадларга эришиш қобилиятини сақлаш даражасидир.

Тадқиқот ишининг «**Корхоналарда молиявий хавфсизликни баҳолаш методологияси**» деб номланган иккинчи бобида корхоналарда молиявий хавфсизликни тавсифловчи кўрсаткичлар тизими ва меъёрлари тадқиқ этилган, корхоналарда молиявий хавфсизликнинг чегаравий қийматлари илмий асосланган, корхоналарда иқтисодий-молиявий хатарларни баҳолаш услубиёти ўрганилган.

Молиявий хавфсизлик таҳлилининг илмий моҳияти таҳлилий иш методологияси, диалектика ва объектив ҳақиқатни акс эттирадиган иқтисодий қонунлар ўртасидаги боғлиқликка олиб келади. Илмий таҳлил принципларини интеграциялашган қўллаш нуқтаи назаридан, молиявий хавфсизлик таҳлилининг самарадорлигини таъминлайдиган тизимда ташкил этади. Узоқ муддатли келажакда молиявий хавфсизлик тизимини яратиш учун, салбий омиллар ва хавфларнинг таъсирини бартараф этиш орқали фаолият юритиш учун барқарор шароит яратиш кўзда тутилади.

Муаллиф фикрича, молиявий хавфсизлик даражаси корхона фаолиятининг ташки омиллари таъсирини ҳисобга олган ҳолда баҳоланиши керак. Бунинг учун бизнес-жараёнларга асосий таҳдидларни аниқлаш зарур. Одатда, бу таҳдидларга бошқарув ходимлари тўғридан-тўғри таъсир ўтказа олмайди, бу борада шароитдан келиб чиқиб қарор қабул қилиш керак. Муаллифнинг фикрича, бу таҳдидларни қуйидаги гуруҳларга ажратиш керак:

сиёсий омиллар: давлат сиёсатининг барқарорлиги, давлат ривожланиши иқтисодий стратегиясининг ўзига хос хусусиятлари, мамлакатнинг халқаро майдондаги сиёсий-иқтисодий обрўси ва ҳ.к.;

иқтисодий омиллар: мамлакатнинг солиқ тизими, бозор ва тадбиркорлик эркинлиги, ракобат даражаси ва иқтисодиёт соҳаси ҳамда алоҳида маҳсулот рақобатбардошлилиги.

Диссертацияда Ўзбекистон Республикаси саноат корхоналарининг молиявий хавфсизлигининг ташки омиллари ва унга таҳдидларни баҳолаш нуқтаи назаридан ўрганиб чиқилди. Бунда баҳолаш ҳар бир корхона учун умумий услубиятнинг бир таркибий қисми бўлиб ҳисобланади.

<sup>9</sup> Экономическая безопасность России: Общий курс / Под ред. акад. РАЕН В.К. Сенчагова. — М.: Дело, 2005.

Тадқиқотда нуфузли *Forbes* журнали бизнес юритиш учун энг яхши мамлакатлар рейтинги, иқтисодий эркинлик кўрсаткичи индекси, бизнес эркинлиги, савдо эркинлиги, солиқ эркинлиги, ҳукуматдан эркин бўлиш, пул эркинлиги, инвестициялар эркинлиги, молиявий эркинлик, хусусий мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш, коррупциядан эркинлик ва меҳнат муносабатлари эркинлиги, яширин иқтисодиёт ҳамда ижтимоий-иктисодий муносабатларда коррупциянинг ҳолати каби кўрсаткичлар танлаб олинган. Саноат корхонасининг молиявий хавфсизлик даражасини баҳолаш учун қўллаш мумкин бўлган умумий сон тавсифлари 1-жадвалда келтирилган.

### **1-жадвал**

#### **Саноат корхонасининг молиявий хавфсизлиги даражасига ташқи муҳит таъсирини субъектив баҳолаш шкаласи<sup>10</sup>**

<b>№</b>	<b>Олинган балларнинг сони</b>	<b>Субъектив баҳо</b>	<b>Тавсифнома</b>
1	41-50	Аъло	Ташқи муҳит мутлақо хавфсиз
2	31-40	Яхши	Ташқи муҳит барқарор ва хавфсиз
3	21-30	Қониқарли	Ташқи муҳит молиявий хавфсизликка сезиларли таъсир этади
4	11-20	Қониқарсиз	Ташқи муҳит молиявий хавфсизликка қаттиқ таъсир этади
5	5-10	Критик	Бундай ташқи муҳитда тадбиркорлик фаолиятини билан шугулланиш хавфсиз эмас

Саноат корхоналарида молиявий хавфсизликни баҳолашнинг мавжуд ва ихтисослаштирилган адабиётларда тавсиф берилган усулларининг кўпчилигига якуний интеграл индекс шаклланиши назарда тутилади, бироқ уни ҳисоблаш усуллари ҳар хил: умуниқтисодий норматив ва мезонлардан фойдаланадиган усуллар; молиявий коэффициент ва кўрсаткичларга асосланган усуллар; тадбиркорлик рисклари ва бизнес ривожланишининг ўзига хос кўрсаткичларини баҳолашга асосланган усуллар (асосан, қадриятларга асосланган бошқарув); иқтисодий-математик моделлаштириш; эксперт баҳолаш усуллари. Муаллиф томонидан саноат корхонасининг молиявий хавфсизлик даражасига ташқи муҳит таъсирини субъектив баҳолаш шкаласи ишлаб чиқилган (1-жадвал).

Муаллифнинг фикрича, молиявий хавфсизлик даражасини баҳолаш услубиятида ушбу кўрсаткичларнинг вазифаси субъектив нуқтаи назар шакллантиришдан ва якуний индикаторни ошиш томонга ёки пасайиш томонга тузатишдан иборат.

Саноат корхонасининг молиявий хавфсизлиги даражасини баҳолаш кўрсаткичлари сифатида ликвидлик коэффициенти, мустақиллик коэффициенти, инвестициялаш коэффициенти, активлар рентабеллиги, хусусий капитал рентабеллиги, дебиторлик/кредиторлик қарзларининг айланиш коэффициентлари каби мавжуд молиявий кўрсаткичлардан 34 таси танлаб олиниб, корхонанинг молиявий хавфсизлигинининг ички муҳитини баҳолашда мезон сифатида фойдаланилган.

<sup>10</sup> Муаллиф ишланмаси

Муаллиф томонидан мақсад ва вазифаларни белгилаб, корхонанинг молиявий хавфсизлиги кўрсаткичларини ва уни баҳолашга ёндашувларни таҳлил қилиб, таҳлилни амалга оширишнинг қўйидаги умумий алгоритмини таклиф этилди (1-расм).



**1-расм. Молиявий хавфсизликни баҳолашнинг умумий алгоритми<sup>11</sup>.**

Юқорида таклиф этилган алгоритмни ҳисобга олган ҳолда, биринчи кўрсаткичлар блокини корхона молиявий-иктисодий ҳолатининг 34 та асосий кўрсаткичлари ташкил қилди.

Индикаторлар шакллантирилганидан кейин интеграл индекс (кўрсаткични) ҳисоблаб чиқилди. Бу индекс салмоқ коэффициентларидан фойдаланган ҳолда, нормалangan қийматлар суммаси сифатида ҳисоблаб чиқилди. Бунда услугуб икки қисмга бўлинди: чизиқли индекс корхонанинг молиявий хавфсизлигининг жорий даражасини, матрицали индекс эса стратегик даражасини акс эттириди. Нормалаштирилган коэффициентларни ўртача тортилга қийматлари ҳисобланади, натижада индекснинг якуний таркибий қисмлари олинади. Индексни чизиқли функция шаклида аниқланди:

$$I = \sum_{i=1}^n \sum_{j=1}^m k_j \bar{x}_{ij} \quad (1)$$

бу ерда  $k$  – индикатор бўйича салмоқ коэффициенти бўлиб,  $j$ -кўрсаткичнинг  $i$ -даврдаги интеграл индексга таъсири даражасини белгилайди;

$\bar{x}_{ij}$  –  $x_{ij}$  кўрсаткичларининг нормалangan қийматлари.

<sup>11</sup> Муаллиф ишланмаси

Диссертацияда «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмаси таркибига кирган 28 та тўқимачилик корхоналарининг молиявий хавфсизлиги баҳоланди (2-жадвал).

Ҳисоб-китоб натижаларига кўра, таҳлил қилинаётган корхоналар менежерлари ўзларининг молиявий хавфсизлигининг ички таркибий қисмларини қучайтиришга ҳаракатларини йўналтиришлари керак.

## 2-жадвал

### Тўқимачилик корхоналарининг молиявий хавфсизлигини баҳолаш натижалари<sup>12</sup>

Корхоналар /Йиллар	2016	2017	2018	2019	2020
«BIRYUZA GROUP» MChJ	0.36	0.62	0.77	0.82	1.33
«BETLIS TEKSTIL» MChJ	0.16	0.18	0.19	0.20	0.24
«НАМАНГАН ТЎҚИМАЧИ» МЧЖ	-	-	0.32	0.49	0.53
«SIRDARYA BEST FASHION» MChJ XK	0.04	0.02	0.03	0.01	0.03
«UZTEX TASHKENT» MChJ	0.87	1.12	0.56	0.41	0.89
LUKBO TEXSTIL MChJ XK	0.18	0.25	0.68	0.37	1.24
«ELEGANT GARMENT TEXTILE» MChJ	0.71	0.55	0.63	0.47	0.45
ООО «QUVA TEKSTIL» MChJ	0.43	0.13	0.74	0.81	0.86
«MAROQAND SIFAT» MChJ	0.11	0.15	0.16	0.11	0.08
«BONITO GROUP» MChJ	0.60	0.07	0.31	0.24	0.29
«КОВОТЕХ» MChJ	0.15	0.39	0.41	0.17	1.17
«ИФТИХОР КИЙИМ САНОАТ» МЧЖ	0.12	0.19	0.26	0.45	0.68
«BETLIS TEKSTIL» MChJ	0.33	0.46	0.89	0.71	0.68
«XORAZM TEX» MChJ	0.17	0.45	0.46	0.39	0.33
«PLATINUM-TEKSTIL» MChJ	0.89	0.90	1.12	0.56	0.85
«УРГАНЧ БАХМАЛ» МЧЖ	0.16	0.26	0.44	0.32	0.70
«SHAYHONTOHUR TEKSTIL» MChJ XK	0.36	0.55	0.87	0.48	0.51
«PRONTO TEXTILE GROUP» MChJ	0.49	0.77	0.65	0.38	0.42
«PAPFEN XORIJY KORXONASI» MChJ	0.65	0.73	0.91	0.42	0.94
«FAZO-LUXE» MChJ	0.41	0.07	0.16	0.39	0.28
«OQTOSH TEKSTIL» MChJ	0.08	0.63	0.82	0.38	1.60
«LOTUS TEXTILE» MChJ	0.60	0.54	0.79	0.93	0.64
«DAKA-INTEX» MChJ	0.78	0.25	0.40	0.17	0.55
«ART SOFT TEX SPINNING» MChJ	0.19	0.30	0.38	0.89	0.96
«AMUDARYOTEX» MChJ	0.08	0.11	0.49	0.22	1.41
«AMINA GOLD INVEST» MChJ	0.71	0.68	0.60	0.39	0.41
«KONIMEXTEX» MChJ	0.33	0.56	0.89	0.52	0.77
«OQ SAROY TEXTILE» MChJ	0.14	0.88	1.12	1.54	1.91

Тадқиқот давомида эксперталар берган баҳо асосида тўқимачилик корхоналарида молиявий хавфсизлик даражасини баҳолаш шкаласи тармоқ хусусиятини инобатга олган ҳолда ишлаб чиқилди (3-жадвал). Тактик даврда тўқимачилик корхоналари молиявий хавфсизлик даражасига таъсир этувчи ички ва ташқи муҳит омилларини аниқлаш мақсадида баҳолаш мезонларининг юқори ва қўйи чегаралари (чизиқли матрица қийматларининг (0-0,22) – «хавф юқори», (0,23-0,51) – «ўртacha хавф», (0,52-0,80) – «барқарор», (0,81-0,99) – «меъёрдаги хавфсиз» ва (1 дан юқори) – «мутлақо

<sup>12</sup> Муаллиф ишланмаси

хавфсиз») этиб белгиланди. Аниқланган натижа бирга қанчалик яқин бўлса ёки ундан катта бўлса корхонанинг молиявий хавфсизлик даражаси шунчалик юқори ҳисобланади.

### 3-жадвал

#### **Тўқимачилик корхоналари молиявий хавфсизлик даражасига таъсир этувчи ички ва ташқи муҳит омилларини баҳолаш мезонларининг юқори ва қўйи чегаралари<sup>13</sup>**

Шкала	Баҳонинг мазмуни
0-0,22	хавф юқори
0,23-0,51	ўртacha хавф
0,52-0,80	барқарор
0,81-0,99	меъёрдаги хавфсиз
>1	мутлақо хавфсиз

Объект сифатида танлаб олинган «BETLIS TEKSTIL» МЧЖ корхонаси, биринчи қарашда соф фойдага чикқан, молиявий мустақил ва барқарор кўринишга эга бўлса-да, аммо, молиявий хавфсизлик индексининг таркибий қисмларини батафсил ўрганиб чикқандан сўнг, жорий ликвидлик даражасининг ошиши билан (йил охирида жорий ҳисобварақлардаги маблағлар қолдигининг қўпайиши ҳисобига), мутлақ ликвидлик қўрсаткичи аста-секин пасайиб, критик даражага интилади. Дебиторлик қарздорлик айланмаси даражаси ҳам аста-секин пасайиб боришини ҳисобга олсак, компания мижозлари кечикирилган тўловлар миқдорини тўплаб, уларни молиявий йил охирига яқин қайтаришади деб тахмин қилишимиз мумкин. Айнан шу ҳолат йил охирида ликвидлик қўрсаткичларининг ўсишига сабаб бўлиши мумкин, ҳисбот кунида, бу айни пайтда мижозлар билан ҳисоб-китобларни бошқариш тизимининг самарадорлиги пастлиги ва молиявий йил давомида ишчи пулларнинг етишмаслигидан далолат беради. Ушбу гипотеза таҳлил қилинган даврда капитал нисбати пасайиши билан ҳам тасдиқланади.

Шундай қилиб, молиявий хавфсизлик даражасини баҳолашнинг таклиф қилинган усули нафақат ҳозирги вақтда ва маълум бир шароитда унинг қийматини баҳолашга, балки салбий ёки ижобий динамиканинг сабабларини аниқлашга имкон беради, бу эса таҳлил қилинаётган корхонани бошқариш тизимини оптималлаштиради.

Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, «BETLIS TEKSTIL» МЧЖ, «SIRDARYA BEST FASHION» МЧЖ ХК ва «Наманган тўқимачи» МЧЖ корхонаси даромадлар даражасини таҳлил қилинган фаолият давомида нисбатан барқарор даражада ушлаб тура олди, шунингдек кредиторлик ва дебиторлик қарzlари айланмасининг етарли қўрсаткичларини сақлаб қолди. Бу корхонанинг ички муҳитининг мижозлар ва етказиб берувчилар билан ҳисоб-китобларни бошқариш нуқтаи назаридан самарадорлигини кўрсатиши мумкин. Молиявий хавфсизлик индексининг муҳим таркибий қисмларидан бири сифатида компания керакли рентабеллик даражасига эриша

<sup>13</sup> Манба: Эксперт баҳолари асосида муаллиф ҳисоб-китоблари

олмаслигини ҳисобга олсак, харажатларни бошқариш тизими оптималлаштиришни талаб қиласи.

Диссертациянинг «Ўзбекистонда саноат корхоналари молиявий хавфсизлигининг замонавий ҳолати таҳлили» деб номланган учинчи бобида Ўзбекистоннинг тўқимачилик тармоғида молиявий хавфсизликни таъминлаш ҳолати ва муаммолари таҳлил қилинган, Ўзбекистон саноат корхоналари молиявий хавфсизлигини таъминлашда ҳудудларининг ўзига хос хусусиятлари очиб берилган, тўқимачилик тармоғида молиявий хавфсизликни таъминлашда саноат тармоғининг циклик динамикаси эконометрик таҳлиллар асосида баҳоланиб, муаммолар аниқланган.

Мамлакатимизда саноат тармоғини туб таркибий ўзгариш борасида олиб борилаётган ислоҳотлар ва макроиктисодий мутаносиблигни таъминлашга мўлжалланган иқтисодий дастурларнинг амал қилиши натижасида, «2030 йилга қадар нефть-газ-кимё соҳасида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини 3,2 баробарга, рангли металл маҳсулотлари 2,2 карра, қора металлдан тайёрланадиган буюмлар 2,3 марта, кимё саноати маҳсулотлари, жумладан, минерал ўғитлар 3,2 баробар, енгил саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 5,6 мартаға оширишга эришилади»<sup>14</sup>, пировард натижада ЯИМ ҳажмини 2 баробарга, саноатнинг ЯИМдаги улушини 40 фоиздан зиёдга ошириш имконига эга бўлинади. Яратилаётган ЯИМ таркибида тўқимачилик саноатининг улуши 2018 йилда 9,0 фоизни ташкил этиб, салмоқдаги ўсишни таҳлил қилсак бу кўрсаткич 2010 йилга нисбатан 3,5 фоизга ошганлиги кўриш мумкин (4-жадвал).

#### 4-жадвал

#### Мамлакатимизда умумсаноат ва тўқимачилик тармоғи таҳлили<sup>15</sup>

Кўрсаткичлар	2000	2005	2010	2015	2018	2019	2019 йилда 2000 йилга нисбатан % да
Енгил саноатнинг ЯИМдаги улуши	11,1	11,5	7,4	9,2	9,6	9,5	99,0
Тўқимачилик тармоғининг саноатдаги улуши	17,7	15,7	12,7	13,6	10,6	9,6	90,6
Тўқимачилик тармоғининг енгил саноатдаги улуши	92,3	94,3	88,1	85,0	72,6	74,4	102,5

2020 йилда Ўзбекистон Республикасида тўқимачилик корхоналари сони 15987 тага етди, шулардан 14836 таси ёки 92,8 фоизи самарали фаолият кўрсатмоқда (3-жадвал). Агар республикада 2010 йилда корхоналарнинг фаоллик даражаси 80,6 фоизни ташкил этган бўлса, 2020 йилда бу кўрсаткич

<sup>14</sup> <https://www.lex.uz/ru/home/news/163>

